



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА

Самарқандского района  
Самарқандской области  
Республики Узбекистан

192

2016-й.г. «23» декабр № 2999-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд тумани «Оҳалик» кишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Хамрокулов Раҳмонкулга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич омборхонаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа хўжалик учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Кишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа қидирув институтининг 2016 йил 09 февралдаги № 02-16/34-794 сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 29 августдаги 1186 сонли хулосаси ва фуқаро Хамрокулов Раҳмонкулнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд тумани «Оҳалик» кишлоқ фуқаролар йиғини «Меҳробод агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 34 контуридан фуқаро Хамрокулов Раҳмонкулга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич омборхонаси қуриш учун жами 0,30 га (шундан: 0,30 га туман захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Хамрокулов Раҳмонкулга кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич омборхонаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2017 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зохидов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га тақдим қилинсин.
5. Фуқаро Хамрокулов Раҳмонкул томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари қўрилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Курбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров